



## ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ УЛАРДА ЧИНАКАМ МАЊНАВИЙ АҲЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ, УШБУ СОҲАДАГИ ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

*Рустамов Юсуф Эркинович*

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ўқув-саф қисми курс  
бошлиғининг ўринбосари, майор

**Аннотация:** Мақолада бугунги кунда мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг онгидаги она ватанга муҳаббат ҳиссини сингдириши юксак аҳлоқий қарашларни шакллантириши шунингдек мамлакатимизда ушбу соҳада амалга ошираётган давлат сиёсатининг устувор йўналишилари ҳақида атрофлича маълумот берилган.

**Калит сўзлар:** Ватанпарварлик, давлат сиёсати, асосий принциплар, ёшлар тарбияси, давлат сиёсатининг йўналишилари, бурч, тинчликпарвар сиёсат.

Қадимий анъаналаримиз ва маданиятимиз йиллар давомида сайқалланиб милллатнинг кўзгусига айланган. Ёшларимизда жонажон Ватанимизнинг мустақиллиги ва равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш, миллий армиямизнинг қудрати ва салоҳиятига бўлган ишончни кучайтириш албатта эътиборга сазовор масаладир. Мустақиллик йилларида ҳар бир соҳада изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Булардан кўзланган мақсад юрт равнақи, халқимиз осойишталигини таъминлаш, мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги имкониятларини оширишdir. Жумаладан яқин йилларда мамлакатимизнинг мудофаа қобиляти ҳам тубдан ўзгарди. Қуролли кучларимизнинг шайлиги оширилди, миллий хавфсизлигимизнинг барқарорлигини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. **Жумладан Глобал Фирепошер Индех** рейтингида Ўзбекистон Қуролли Кучлари Марказий Осиёда биринчи, МДҲ давлатлари орасида тўртинчи ва дунёнинг 140 мамлакати орасида 54 ўринни эгаллаганлиги ҳам алоҳида этиборга сазовордир.

Миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг манавий интеллектуал салоҳиятини ошириш уларнинг моддий томондан қўллаб қувватлаш каби вазифалар ҳар бир худудларда амалиётга кенг жорий этилди. Миллий армиямиз сафларини тўлдиришда ёшларнинг ўрни бекиёс шу сабали ҳам уларнинг мањнавий тарбиясини шакллантириш уларнинг она ватанга муҳаббат ҳиссини жон-у танларига сингдириш алоҳида аҳамият касб этади. Бугунгга келиб **Глобал Фирепошер** маълумотларига кўра Ўзбекистонда фуқароларни ҳарбий хизматга сафарбар қилиш салоҳияти 13,47 млн нафарга teng. Ҳарбий чақирув ёшидагилар — 616,8 минг ва бу дунёнинг

**35-кўрсаткичи демакдир,** бу эса миллий армия сафларини тўлдиришда ёшарнинг ўрнини яна бир бор кўрсатиб беради. Албатта, Ватанга хизмат қилиш бу шарафли вазифадир, олий бурчdir. Бош қомусимизда ҳам Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги белгиланган. Ватан муқаддас тушунча,



ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, заарли таъсирлар ва оқимларга қарши тұра оладиган, ҳаётта бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга шахс сифатида тарбиялаш, ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш ва уларга мустаҳкам иммунитетни шакллантириш зарур.

Бугунги кунда дунёда вужудга келган кескин сиёсий вазият ҳар бир давлатни ўзига яраша тутган стратегик йўлини кўрсатиб бермоқда. Ўзбекистон ҳам ўзининг тинчликпарвар прагматик сиёсати билан жаҳон ҳамжамиятининг эътибор марказида эканлиги бунинг яққол исботидир. Конституциямизда келтирилганидек Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари республика суверенитети ва халқининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тузилади. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда миллий армиямиз миллат шони, миллат тимсолига айланган. Мустақиллик йилларида давлатимизнинг ушбу соҳадаги сиёсати ўзининг амалий аҳамиятини кўрсатмоқда.

**Давлатимиз ўзининг тинчликпарвар сиёсатини юритиш билан бирга устувор йўналишлар сифатида давлатнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, Қуролли кучларнинг жанговар шайлигини, унинг имкониятлари ва қобилиятини кучайтириш каби вазифаларни белгилаган .Уларнинг айримларига тўхталсак:**

- Барча бўғиндаги ҳокимият органлари раҳбарларининг қўшинлар кундалиқ ҳаётида, ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш, уларнинг инфратузилмасини яҳшилаш, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фаол иштирок этишини таъминлаш;
- Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш, Қуролли кучларнинг барча давлат идоралари, муассаса ва корхоналар учун етук кадрлар тайёрлайдиган мактабига айланишига эришиш;
- Мамлакат ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш ва мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш борасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш;
- Қуролли кучлар ягона автоматлаштирилган бошқарув тизимини яратиш ва рақамлаштиришни янада такомиллаштириш;
- Қуролли Кучларда ягона ахборот-коммуникация тизимини яратиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- Қўшинларининг жанговар шайлиги ва тайёргарлиги ҳамда ўқув моддий-техник базасини янада такомиллаштириш;
- Фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўташ тартибини янада такомиллаштириш;
- Олий ҳарбий таълим муассасаларига номзодларни саралаш ва танлаб олиш тизимини янада такомиллаштириш;
- Қўшинларда раҳбар лавозимларига кадрлар захирасини яратиш тизимини ривожлантириш.
- Қуролли кучлар тизимида гералдика ишларини самарали йўлга қўйиш;
- Қўшинларни замонавий қурол-аслаха, ҳарбий ва маҳсус техника ҳамда жиҳозлар билан таъминлаш.

Умумуман олганда, Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, худудий яхлитлигини,



аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг Ватани олдидағи муҳаббати ва шарафли бурчидир. Авваламбор, “Бурч – кишининг бирор шахс, оила, жамоа, эл-юрт, Ватан олдидағи мажбуриятини англатувчи ахлоқий тушунча. Бурчнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, у инсоннинг ички кечинмалари, ташқаридан туриб назорат қилинмайдиган мураккаб руҳий ҳолатини ифодалайди.

**Албатта ватанпарварлик, юрга садоқат, она ватанга, Президентга содиқлик, ҳалққа хизмат қилиш энг улуғ, энг шарафли бурч эканлигидан далолатдир.**

**Ватанпарварлик** – кишиларнинг она юртига, ўз ватанига муҳаббати ва садоқатини ифодалайдиган тушунча. Ватанпарварлик барча кишилар, ҳалқлар, миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятлардан бири. Тарихий жиҳатдан Ватанпарварлик кишиларнинг ўз ватанлари тақдири билан боғлиқ ижтимоий ривожланиш, ҳалқларнинг ўzlари яшаётган ҳудуднинг дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнida такомиллашиб келган ҳистийғулар жамланмаси ҳамdir. Бу ватаннинг ўтмиши ва ҳозири билан фаҳрланишда, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлади. Дарҳақиқат, шарафли ва олийжаноб, азиз ва табаррук бўлган бурчни бажариш киндик қони томган ҳар бир инсоннинг юртни асраб-авайлаш, еъзозлаш, унинг келажаги учун қайғуришга, ҳалқига, президентига содиқ хизмат қилишга ундейди. Ватанпарварлик туйғуси Ўзбекистон ҳалқига хос хислат. Ўз давлатининг обрў-эътиборини мустаҳкамлаш, қадр-қимматини саклаш учун улар ҳалол ва вижданан меҳнат қиладилар, унинг иқтисодини янада ривожлантириш учун жамиятда юзага келган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш учун ҳаракат қиладилар. Ўзбекистон Республикасининг фуқароси қаерда ва қандай лавозимда ишламасин, қандай вазифани бажармасин, вақтинча қайси хорижий давлатда яшаб, унга топширилган вазифани бажаришда давом этиб турмасин, ўзининг тутган ўрни, хатти-ҳаракатлари билан ўз Ватанинг обрўсина биланд кўтаришга, унинг шаънига доғ туширмасликка, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деган номга муносиб бўлишга ҳаракат қиласди.

Ёшлар мамлакат таянчи ҳисобланади. Шу сабабли ҳам бугунги кунда ёшларнинг маънавиятли, аклий етук, салоҳиятли бўлиб улғайиши, ватанини, ҳалқни эртанги кунини белгиловчи, юрагида ватанга ҳалққа муҳаббат туйғуси жош ураётган ёшлар бўлиб камол топиши учун давлат ва жамиятнинг барча куч ресурслари сафарбар этилган.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ёшларни ватанга муҳаббат ҳиссини шакиллантириш уларни чинакам юрт қалқонлари сифатида тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий йўналиши сифатида белгиланган. Ушбу соҳада Мудофаа ишлари бўйича органларга ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлар белгиланган бўлиб, уларга қўйидагилар киради:

- ✓ ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;
- ✓ ёшларнинг чақиравуга қадар бошланғич тайёргарлигини ташкил этишда иштирок этиши;
- ✓ ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ва ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир тадбирларда иштирок этиши;



- ✓ ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиш каби ваколат ва вазифалар белгиланган.[2]

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мақсади ёшларда жамиятнинг турли тармоқлари, айникса, ҳарбий соҳа билан алоқадор бўлган давлат хизмати турларида фаоллик кўрсатиш, тинч ва ҳарбий шароитда ва ҳарбий бурчга садоқатли бўлиш, уларда ўз юрти ва халқи тақдири учун юксак масъулият ва жавобгарлик каби мухим хусусиятларни шакллантиришдан иборат.

Бугунги кунда ёшларимизнинг онгига, манавиятига кенг миқёсда глобал таҳдидлар бўлмоқда. Ёшларнинг турли туман ғоялар тасирида гиёхвандлик, алкогализм, диний ақидапарастлик, екстремизм, терроризм каби иллатлар таъсирига тушиб бораётганлиги уларнинг маънавиятидаги салбий ўзгаришлар албатта ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмайди. Бугунги кунга келиб бундай иллатларга қарши курашиш ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш билим ва салоҳиятини кучайтириш жамиятда фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш жамият ва давлат олдида турган мухим вазифадир. Шу сабабли ҳам бугунги кунда ёшлар масаласи давлатимиз сиёсатида алоҳида ўринга эга. Ёшларда ватанпарварлик руҳини шакллантириш ватанга муҳаббат ҳисси, ватангага, халққа хизмат қилишдек улуғвор туйғулар уларнинг маънавий аҳлоқий фазилатларининг асоси бўлмоғи даркор.

Хаммамизни тарбиялаган, вояга етказган шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган хам шу халқ, бизга ишонч билдирган хам шу халқ[6]. Албатта Ватангага ва халққа садоқат билан хизмат қилишни ўрганган навқирон ўғлонларгина ватангага, халққа ишончли таянч ва суянч бўла олади, халқ берган тарбияни халқ берган туз-насибани оқлай олади.

Мамлакатимизда охирги йилларда ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида бир қанча чора-тадбирлар **асосий вазифалари** хисобланади:

- ёшларни миллий ғоя ва Ватангага садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига Ватан химояси шарафли ва муқаддас бурч эканини чуқур сингдириш;
- қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, жонажон Ватанимизнинг мустақиллиги ва равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш, миллий армиямизнинг қудрати ва салоҳиятига бўлган ишончни кучайтириш;
- миллий армиямизга жисмонан бақувват ва маънан етук ёшлар зарурлиги, ҳарбий хизмат ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун муқаддас бурч экани ҳақидаги тушунчани ҳамда бу борадаги назарий-амалий кўнималарни мустаҳкамлаш;
- ёшларда ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй берәётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиқсан холда ёндашиш кўнималарини, турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш;
- ҳар қандай мураккаб вазиятларда тезкор ва мустақил қарор қабул қилиш, замонавий ҳарбий-техника воситаларидан самарали фойдаланиш малакасига эга ёшларни тарбиялаш;
- Ўзбекистон манфаатларини нафакат ҳарбий соҳада, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидойи бўлиш — бу бугунги кун талаби эканини ҳаётий мисоллар ва таъсирчан воситалар орқали ёшлар онгига сингдириб



бориш.[3]

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишлар тизимли йўлга қўйилган. Жумаладан ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизими ҳақида гап боргандা таълим-тарбия жараёнида ижтимоий-маънавий ахамиятга молик қадриятларни, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасаларида, шунингдек, оммавий ва ҳарбий ватанпарварлик ишларини амалга оширадиган давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларда, шунингдек бошқа ташкилотларда изчил йўлга қўйиш, бу орқали ёшларда ватанг муҳаббат ҳиссини шакллантириш давлат сиёсатининг моҳиятини ташкил этади. .

**Шу нуқтаи назардан давлат сиёсатида қўйидагилар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг раҳбарий ғоялари асосий принциплари хисобланади:**

- ✓ илмийлик; (давлат сиёсати чуқур илмий асосланган ва илмий тажриба, аниқ таҳлиллар асосида белгиланиши.)
- ✓ тарихийлик; (ушбу соҳада давлат сиёсати халқимизнинг тарихан шаклланган бой маданий, ахлоқий урф-одатлари ва маънавий меросига, аждодларнинг ўчмас хотирасига таяниши.)
- ✓ аниқлик ва тезкорлик; (давлат сиёсатини амалга оширишда барча давлат органлари ва ташкилотлари ўзига юқлатилган вазифаларни тўлақонли аниқ ва тезкорлик билан амалга оширишини тамиллашда намоён бўлади.)
- ✓ муентазамлилик; (ушбу соҳада давлат сиёсати аниқ ва доимий муентазам равиша амалга оширилишини белгилайди.)
- ✓ фаоллик; (ушбу соҳада барча давлат органлари, муассасалар, ташкилотлар,
- ✓ ўзини-ўзи бошқариш органлари ва фуқароларнинг иштироки таъминланади.)
- ✓ таълим ва тарбия ишларининг уйғунлиги; (ушбу соҳада талим-тарбия билан биргаликда мутаносиблиқда ҳамда уйғунлиқда амалга оширилади.)
- ✓ тарбия жараёнининг изчиллиги; (тарбия жараёни хар бир ёшга нисбатан аниқ ва изчил равиша ташкил этилади.)
- ✓ ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида эришилган ижобий натижа ва ютуқларга таяниш. (ушбу сиёсатдан кўзланган ижобий мақсадлар ёрдамида эришилган самарали натижалар давлат сиёсатини кейинги истиқболини белгилайди.) [2]

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш, ўз тақдирини Ватан тақдири билан боғлаган, унинг мустақиллиги йўлида ўзини фидо этадиган, унга садоқатини ифодалайдиган ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг инсоний туйғусидир.

“Бугунги кунда миллий армиямиз минг-минглаб ўғлонларимиз учун чинакам мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактабига айлангани, ҳеч шубҳасиз, шу йўлда эришган энг катта ютуқларимиздир” **Ш.М. Мирзиёев** [7].

Хулоса қилиб айтганда, ёшларни манъавиятли, зеҳнли, дунё миқёсида ҳеч бир тенгдошларидан ортда қолмайдиган улкан маъсулият ва шижаот сохиблари қилиб тарбиялаш давлатимиз ва жамиятимизнинг асосий вазифасидир.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016-йил 14-сентабрдаги „Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги” 406-сон қонуни.
3. „Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш консепсиясини тасдиқлаш тўғрисида” Вазирлар Махкамасининг 2018-йил 23-февралдаги 140-сон қарори.
4. Ўзбекистон республикаси конситутсиясига шархлар
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг „Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари”асари.
6. Ўзбекистон республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 14 декабрдаги Олий Мажлис қўшма мажлисидаги сўзлаган нутки.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Ш.Мирзиёев “Миллий тараққиётимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз”